

МУСИҚА МАДАНИЯТИ ДАРСЛАРИДА МУЛЬТИМЕДИЯ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

С.Пардаев - магистрант

Самарқанд давлат университети

Таянч сўзлар: режиссёр, мультимедия, ижодкор, метод.

Ключевые слова: режиссёр, мультимедиа, творческий, метод.

Key words: producer, multimedia, creative, method.

Республикаимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ислохотлар жамиятимизни иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий жиҳатдан жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олишига мустақкам замин яратмоқда. Мана шундай ўзгаришлар барча жабҳаларда бўлгани сингари таълим-тарбия тизимида изчиллик билан амалга оширилмоқдаки, бу таълимни миллий асосларда ривожлантириш ва такомиллаштиришда ўз самараларини бераётганлиги қувонарли ҳол.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларнинг чегараси йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга қўра мустақил равишда ўзгариб янгиланиб бораверади”. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳаси ва уни ислох қилишнинг асосий омили бу “Шахс манфаати ва таълим устуворлигидир” [1:37]. Ҳозирда барча таълим муассасалари замонавий компьютер ва телекоммуникация технологиялари билан жиҳозланаётгани бежиз эмас. Зеро, таълим мазмунини ва сифат кўрсаткичи бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб бормоқда. Инновацион технологиялар ҳамда компьютер воситаларидан фойдаланиб дарс жараёнини кўргазмалар ташкил қилиш орқали ўқувчиларни теран ва мустақил фикрлашга ўргатиш, таълимнинг сифат-самарадорлигини ошириш, давлат таълим стандартларинг бажарилишини таъминлаш, ўқувчиларни мусикий дунёқарашини шакллантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг асосий мақсадимиз замонавий технологиялар, мультимедия воситалари ёрдамида ташкил қилинган дарслар орқали уларда фанга нисбатан қизиқиш уйғотиш ва таълим самарадорлигини оширишга эришишдир.

“Мультимедия” тушунчаси нимани англатади ва компьютер воситаси орқали таълим самарадорлигини оширишда қандай имкониятларга эга?

Медиа сўзининг асосий маъносини “маълумотларни аҳолига етказиш восита ва турлари” деб тушуниш мумкин. Мультимедия дегани кўп, кўп қиррали дегани-дир” [2:178]. Медиа манбаларига электрон дарсликлар ва дарс ишланмалари, иллюстрация, графика, интерфаол ўйинлар, моделлар, мультимедиа-панорама, видео-лавҳалар, аудиоёзмалар ва ҳок. киради. Булар ичида компьютерда тайёрланган анимацияли, яъни жараёнларни ҳаракатда тасвирланадиган компьютер дастурлари алоҳида ўрин тутди. Чунки анимацияли кўргазмалар ўқувчининг онгида чуқур жойлашади. Ҳозирги вақтда, компьютерларнинг техникавий таъминоти жадаллик билан ривожланиш вақтида, уларнинг дастурий таъминотининг имкониятлари ҳам кенгайиб бормоқда.

Бинобарин таълим тизимида олиб борилаётган жуда катта қўламдаги компьютерлаштириш ишларидан асосий мақсад таълим муассасаларини компьютерлаштиришгина эмас, балки компьютерлаштириш орқали таълимни ахборотлаштиришдан иборат.

Шундан келиб чиққан ҳолда мусиқа маданияти дарсларини ташкил этишда инновацион технология-

лардан, мультимедия воситаларидан фойдаланиб дарс ўтиш ўқувчиларда назарий ва амалий билимларни мустақкамлаш билан бирга уларда Ватанга муҳаббат, мусиқани севиш, табиатни асраш каби фазилатларни, мусикий дунёқарашни ва эстетик дидни шакллантириб боради. Бизга маълумки мусиқа маданияти дарсларини ташкил этишда 3 та хусусий компетенциясини шакллантириш асосий фаолият тури бўлиб ҳисобланади. Булар;

1. Жамоа бўлиб қуйлаш.

2. Мусиқа саводи.

3. Мусиқа тинглаш

Мазкур фаолиятлар негизида ўқувчиларни, мусиқа дарсига нисбатан қизиқишларини ошириш, уларда мусиқа таассуротларини таркиб топтириш ва зарурий мусикий кўникмаларни ҳосил қилиш асосий вазифа қилиб қўйилади. Мусиқа машғулоти кўпроқ ўйин шаклида ташкил этилади, агарда дарсни мусиқа характериға мос ҳаракатлар бажариш ва хор бўлиб қуйлаш фаолиятида компьютерда тайёрланган анимацияли, яъни ҳаракатли жараёнлардан фойдаланилса, ўқувчиларнинг билим олиш сифат самарадорлиги икки баробарга ошади. Дарс жараёнини тулақонли бўлишида ўқитувчининг сўзи камлик қилади, шунда мультимедия воситалари асосида кўргазмалар куруллардан ўз вақтида тўғри фойдаланиш анча қулайлик яратади, яъни: «Юз марта эшитилган бир марта кўрган афзал» деган халқ ҳикматиға амал қилинади.

Маълумки, эшитган маълумотнинг тўртдан бир қисми, яъни 25-30 фоизи хотирада қоладиган бўлса, ўқувчиларға берилаётган материалларни видео, слайдлар орқали амалга оширсак, маълумотни хотирада сақланиб қолиш ва тасаввур қилиш имконияти 30-60 фоизни ташкил қилади. Шунингдек, мазкур ўқув дастурлар аудио, видео ва графика кўринишида мужассамлаштирилган ҳолатда ўқувчиларға етказилса, маълумотни хотирада сақлаб қолиш 60-90 фоизгача ортиши кузатилмоқда.

Бундан ташқари Макромедиа флаш дастурида тайёрланган мусикий ўйинлар орқали ўқувчиларнинг мусикий саводи ҳамда эшитиш қобилиятини шакллантиришимиз мумкин. Мусиқа маданияти дарсини ўтишда «Қараоке» дастури орқали кўшиқларни ўрганиш жуда фойдалидир. Ҳар бир ўқувчи ўз овоз кенглигиға мос келадиган тоналликда, қулай темпода қуйлаш имкониятиға эга бўлади. Бу ноанъанавий усулнинг афзалликлари шундан иборатки, таълим жараёнида берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш имкониятининг мавжудлиги, дарс жараёнида қисқа вақт ичида кўпроқ маълумот беришға эришилади.

Умуман олганда мультимедия воситаларидан ўқув амалиётида қўлланиши ҳар томонлама самарали натижа беради.

Хулоса қилиб айтганда, мусиқа маданияти дарсларини сифати-самарадорлигини оширишда янгича метод ва компьютер технологияларининг ўрни бекиёс. Шундай экан, таълим-тарбия жараёнида ижобий натижаларға эришишда инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш мақсадға мувофиқдир.

Адабиётлар

1. Каримов И. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида». -Тошкент: 1997.
2. Оқназаров Т. Ахборот коммуникацион технологияларини ўқитиш назарияси ва методикаси. -М.: 2015.

РЕЗЮМЕ

Таълимда инновацион технологиялар ва техник воситалардан фойдаланиш таълим самарадорлигини ва таъсирчанлигини ошириб, талаба-ёшларнинг ўқув мотивини ўстириши мақолада баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещается роль педагогических технологий и мультимедийных средств в повышении эффективности урока.

SUMMARY

The article deals with the role of pedagogical technologies and multimedia means in increasing the effectiveness of the lesson.

БЕРДАҚ ШЫҒАРМАЛАРЫНДА «ЖАҚСЫ» ХЭМ «ЖАМАН» ТҮСИНИКЛЕРИ

А.Пазылов - педагогика илимлерининг кандидаты, доцент

Эжинияз атындағы Нөкис мамлекетлик педагогикалык институты

Таянч сўзлар: тушунча, «яхши» ва «ёмон», ижобий ва салбий сифатлар, тарбия маъноси, педагогика.

Ключевые слова: понятия «хорошо» и «плохо», положительные и отрицательные качества человека, воспитательное значение, педагогика.

Key words: concepts «good» and «bad», positive and negative qualities of a person, educational meaning, Pedagogy.

Қарақалпақ халқының руўхый мәдениятының раўажланыўында гирейли орынға хэм ат көтермес абырайға ийе болған шайырлар баршылық. Деген менен олардың арасында Бердақ Қарғабай улының орны өз алдына. Ўзбекстан Қаҳарманы, шайыр Ибрайым Юсуповтың сөзи менен айтқанда: «Заманында хәр бир халық өзи руўхый туў етип көтергендей, дүньяға бир келген дана перзентин туўып, оны өзиниң миллий алтын бесигинде тербетеди. Тәғдир оны ҳақыйқатлықтың тикенли соқпағынан жалаңаяқ жуўыртып, отқа таппап, суўға басып шынықтырады. Ол енди өз халқының бахыт-саадаты ушын, адамгершилиқ, ҳақыйқатлық ушын жанын жаббарға берип – гүресий үлгисин көрсетеди. Қарақалпақ халқының уллы шайыры, миллетимиздиң руўхый тымсалы хэм мақта-нышы Бердақ сондай тулғадағы инсан болды» (1,5).

Қарақалпақ илимпазларынан Қаллы Айымбетов, Нәжим Дәўқараев, Орынбек Кожуров, Шәмшет Хожаниязов, Сәдирбай Мәўленов, Исмайыл Сағыйтов, Ибрайым Юсупов, Әбдисайыт Пахратдинов, Кеңесбай Алламбергенов, Куўанышбай Оразымбетов, Қурбанбай Жәримбетов хэм басқалар Бердақтың әдебияттаныў илиминиң көрнекли ўәкили екенлигин хәр тәрәплеме дәлилlep берди.

Академик Жуманазар Базарбаев, профессор Кәримбай Худайбергеновлар болса Бердақтың мийнетлериндеги философиялық ой-пикирлерди терең анализлеп халыққа жеткерди. Педагогика илимлериниң докторы, профессор Өсербай Әлеўов өзиниң кандидатлық диссертациясын «Бердақтың педагогикалық көзқараслары» деген темада жақлап шықты.

Бердақ бабамызға дүнья халықларының да сүйиспеншилиги оғада жоқары. Олардың өз улқызларына Бердақ бабамыздың исмлерин қойыўы, фамилия етип алыўлары бизди жүдә үлкен куўанышқа бөлейди. Мәселен, интернет материаларынан алынған мағлыўматларға қарағанда, Украинада 146 адам Бердақ (Бердақ Наталья Иосифовна, Бердақ Екатерина Анатольевна, Бердақ Ольга Олеговна), 3 адам Бердакин, 3 адам Бердакина, 11 адам Бердаков хэм 25 адам Бердакова, жәми 188 адам Бердақтың исми бар фамилияларға ийе болған.

Интернеттиң шамалаўынша Россияда Бердақ фамилиясы 288, Бердаков фамилиясы 13000 хэм Бердакова фамилиясы 15800 адамда ушырасады. Америкада болса тек ғана Бердақ фамилиясы 373, Англияда 276, Францияда 296, ал, Қазақстанда Бердаков фамилиясы 15200, Бердакова фамилиясы 18300 орында ушырасады.

Қарақалпақстанда Бердаков фамилиясы 12500, Бердакова 12700, Бердахова фамилиясы 6 орында ушырасады. Ал, хәзирги ўақытларда Қарақалпақстанда Бердақтың исми менен 963 адам аталып жүр.

Педагогика илиминде үлги-өрнек сыяқлы тәрбия методы қолланылады. Ал, Бердақ шығармаларында қандай адамлардан үлги алыў кереклиги, қандай адамларға еликлеп, өрнек алыўдың абзаллықлары жөнинде оғада көп мағлыўматлар бериледи. Бул мағлыўматлар турмысымызда ушырасатуғын «жақсы» хэм «жаман» адамлардың образлары арқалы салыстырмалы түрде өз сәўлелениўлерин табады. Мәселен, биз үйренип шыққан, 1997-жылы «Қарақалпақстан» баспасы арқалы жарық көрген Бердақтың сайланды шығармаларында поэмалардан тысқары 44 атамдағы қосық орын алған. Усы 44 қосықтың ишинде жақсы хэм жаманға байланыслы 61 сөз өз орнында ислетилген. Бул сөзлерди таблица арқалы салыстырмалы түрде көрсететуғын болсақ төмендегише мағлыўматларға ийе боламыз

«Жақсы» сөзиниң қолланылыўы	Саны	«Жаман» сөзиниң қолланылыўы	Саны
Жақсы	10	Жаман	16
Жақсырақ	14	Жаманлар	4
Жақсының	4	Жаманы	1
Жақсылығыңды	1	Жаманлардан	2
Жақсылығынан	1	Жаманларға	2
Жақсыға	1	Жаманат	1
Жақсыны	1	Жаманды	1
Жақсы-жаманды	2		
Барлығы	34		27

Бердақтың «Халық ушын» атлы қосығы оқырманларға жақсы адамнан үлги алыўдың абзаллықларын, себеби жақсы адамның сөз мәнисин аңлайтуғынлығын, пасық сөзлерге ермейтуғынлығын, ал үлги алыўға турарлық емес жаман адамлардың болса, пасық сөзди тыңлайтуғынлығын, гәптиң паркына бармаслығын, қасынан қыяметлик қоңсының да көшириўден тайынбайтуғынлығын уқтырады. Сондай-ақ, жақсының ақылын алғанлардың хеш ўақытта да қор болмайтуғынлықларын, себеби жақсылардың өзи ушын емес, ал халық ушын хызмет ететуғынлықларын еске салады. Бул салыстырмалы түрдеги тенеўлер халқымыздың «жақсыға жантас, жаманнан қаш» сыяқлы даналық сөзлери менен үнлес келеди.

Оның «Жақсырақ» атлы қосығы нәсият тақылетинде түйилип, адамларға, денсаўлықта бир күн шадлықтың, көзди алартқаннның орнына иззеттин, туўған жер ушын өлип кеткенінше хызметтиң хэм хұрметтиң жақсырақ екенлигин уқтырады. Сондай-ақ, өмирлик жолдасыңның ўақытша қол берген хұрден, қонақ келгенде сойыслыққа табылған бир ешкиниң малдан, бир қайықтың жүзлеген салдан, әсиресе, көзли, аяқлы,